

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХУСЕНОВА ШАХНОЗА ШУХРАТОВНА

**ЯЛЛИГЛАНИШГА ҚАРШИ МУРАККАБ ТАРКИБЛИ «ДИАБДЕРМ»
КРЕМ ВА СПРЕЙ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctoral of philosophy dissertation (PhD)

Хусенова Шахноза Шухратовна

Яллиғланишга қарши мураккаб таркибли «Диабдерм» крем ва спрей технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Хусенова Шахноза Шухратовна

Разработка технологии противовоспалительного крема и спрея «Диабдерм» сложного состава..... 21

Khusenova Shakhnoza Shukhratovna

Development of technology for anti-inflammatory cream and spray «Diabderm» of complex composition..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ХУСЕНОВА ШАХНОЗА ШУХРАТОВНА

**ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ МУРАККАБ ТАРКИБЛИ «ДИАБДЕРМ»
КРЕМ ВА СПРЕЙ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

15.00.01 – дори технологияси

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Far.63 рақами билан уйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Файзуллаева Нодира Султановна фармацевтика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Олимов Нemat Каюмович фармацевтика фанлари доктори, профессор Абдурахманов Бахтияр Алимович техника фанлари фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё-технология институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «1» ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел. (+99871)256-37-38, факс (+99871)256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (47 рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871)256-37-38.

Диссертация автореферати 2023 йил «16» 10 куни тарқатилди (2023 йил «16» 10 даги 47 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, ф.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро диабет федерацияси (IDF) статистик маълумотларига кўра, 2023 йил бошида дунёда 20 ёшдан 79 ёшгача бўлган 537 миллиондан ортиқ одам қандли диабет билан касалланган, йил якунига келиб эса ушбу кўрсаткич 15% ортган. Қандли диабет нейропатия, нефропатия ва ретинопатия каби асоратларга, айниқса нервларнинг ва оёқларни қон томирларининг шикастланиши кўринишида ифодаланиб диабетик оёқ синдромига олиб келади. Шунинг учун қандли диабет асоратларини даволаш ва олдини олишда қўлланиладиган дори препаратлар ва даволовчи косметик воситаларни ишлаб чиқиш, сифат ва миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш, специфик фаоллигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида бугунги кунда диабетик оёқ синдромида фойдаланиш учун турли монофаол ва комбинирланган дори ва даволовчи косметик воситаларни бемор учун қулай шаклларда илғор технологияларини яратиш, ассортиментини кенгайтириш, самарадорлиги ва хавфсизлигини исботлаш ҳамда аҳолига етказиб бериш борасида илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, кенг спектрли терапевтик ва профилактик таъсирга эга бўлган мураккаб композицияларнинг муайян таркибини танлаш, ишлаб чиқилган препаратнинг сифат меъёрларини белгилаш, яроқлилик муддатини таъминлаш мақсадида қадок турини танлаш каби илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда доривор ўсимликлар сақлаган сиртга қўллаш учун мўлжалланган даволовчи профилактика парафармацевтика маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, сифатли ва иқтисодий жиҳатдан самарадор дори ва даволовчи косметик воситаларни ассортиментини кенгайтириш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси, 85-бандида «Фармацевтика sanoати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80% га етказиш...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистонда таркибида ҳам синтетик, ҳам табиий хом ашёлар сақлаган кам захарли ва яллиғланишга қарши таъсирга эга мураккаб таркибли даволовчи косметик воситаларини яратиш, уларнинг специфик самарадорлиги ва турғунлигини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022–2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-55-сонли Фармони¹, 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги «2022–2026 йилларг Республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-55-сонли Фармони

мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4670-сон, 2020 йил 10 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таълим ва табиғий ресурсларни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4668-сон, 2020 йил 26 ноябрдаги «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларни уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4901-сон қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қандли диабет касаллигининг асорати бўлмиш тери касалликлари ва диабетик оёқ синдромини олдини олиш ва сиртдан даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланиш истиқболлари ҳамда уларни таъсир механизмини ўрганиш бўйича республикамизнинг қатор олимлари А.О. Охунов, Ф.М. Абдурахманов, Т.Т. Камалов, З.Н. Эргашева, З.А. Нурузова, М.В. Залялиева, Т.П. Пулатова, Т.М. Махмудов, Х.У.Алиев, З.У.Усманова, А.А. Абидов, А.А. Жураева, Г.Ю. Маликова, Х.М. Комилов, М.Х. Санавова ва б. томонидан олиб борилган илмий изланишлар алоҳида ўрин тутди.

Дунё миқёсида эса ушбу касалликни даволаш усуллари, антидиабетик воситаларни ишлаб чиқиш, уларнинг фаоллигини аниқлаш бўйича изланишлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: Bakker K., Apelqvist J., Lipsky B.A., Van Netten J.J., Schaper N.C., Van Acker K., Peyrot M., Stephan Morbach., Joachim Kersken., Ralf Lobmann, Chen K., Chen H., Mol M.M., Хлебникова А.Н., Марычева Н.В., Сайбель О.Л., Даргаева Т.Д., Хаджиева З.Д., Тигиева З.Б., Алейникова Н.С., Губанова Л.Б., Крахмалев И.С., Храминин В.Н., Токмакова А.Ю., Егорова Д.Н., Доронина Л.П., Соколова Г.А., Корнишева В.Г., Белова С.Г., Чабан А.А., Степанова Э.Ф., Верниковский В.В., Морозов А.В. ва б.

Мазкур диссертация ишида келтирилган «Диабдерм» йиғмаси таркиби, йиғмадан олинган суюқ экстракт ҳамда унинг асосидаги даволовчи косметик воситалар таркиби, технологиясини ҳамда сифат меъёрларини ва биосамарадорлигини аниқлаш, тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этиш юзасидан олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» илмий-тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий доривор ўсимликлардан тузилган «Диабдерм» йиғмаси асосида олинган суяқ экстракт, уни сақловчи даволовчи косметик воситалар таркиби, технологиясини ҳамда сифат меъёрларини ва биосамарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тери яллиғланиш касалликларни олдини олиш ва даволаш учун мўлжалланган «Диабдерм» йиғмасидан суяқ экстракт олиш технологиясини ва унинг сифат меъёрларини белгилаш;

математик моделлаштириш усулида «Диабдерм»дан суяқ экстракти асосида спрей ва крем таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

«Диабдерм» спрей ва кремнинг сифат меъёрларини белгилаш;

«Диабдерм» кремнинг биологик самарадорлигини аниқлаш;

«Диабдерм» суяқ экстракти, унинг асосидаги спрей ва кремни қадоқлаш учун турли қадоқ турини танлаш ҳамда сақлаш шароити ва муддатини аниқлаш;

«Диабдерм» мураккаб таркибли спрей ва кремни тиббиёт амалиётига жорий қилиш учун меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти янги кўп таркибли яллиғланишга қарши таъсирга эга «Диабдерм» йиғмаси асосидаги суяқ экстракт, ундан олинган даволовчи косметик спрей ва крем танланган.

Тадқиқотнинг предмети «Диабдерм» йиғмаси асосида олинган суяқ экстракт технологияси, унинг асосида сиртга ишлатиш учун мўлжалланган мураккаб таркибли спрей ва крем таркиби ва технологияси ҳамда сифат меъёрларини ишлаб чиқиш, яроқлилиқ муддатини аниқлаш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда замонавий технологик, физикавий, физик-кимёвий (юқори самарали суяқлик хроматографияси, спектрофотометрия), биофармацевтик, фармакологик таҳлил усуллардан ва таҳлил натижаларига статистик ишлов беришда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёларидан тузилган яллиғланишга қарши «Диабдерм» йиғмасидан биологик фаол моддалар мажмуасини сақловчи суяқ экстракт олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илк бор 3x3 лотин квадрати усули ёрдамида «Диабдерм» спрей такриби ва технологияси ишлаб чиқилган;

математик моделлаштиришнинг 4x4 лотин квадратининг 3 омиллик каср режасидан фойдаланган ҳолда «Диабдерм» кремнинг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

«Диабдерм» йиғмасининг сон кўрсаткичлари ҳамда йиғма асосидаги суяқ экстракт, спрей ва кремнинг сифат меъёрлари белгиланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Диабдерм» суяқ экстракти, унинг асосидаги мураккаб таркибли спрей ва кремнинг сақланиш ва яроқлилиқ муддатлари белгиланган;

«Диабдерм» кремнинг биологик самарадорлиги *in vitro* тажрибаларда Л.Крувчинский усулида исботланган;

«Диабдерм» кремнинг ўзига хос фармакологик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий технологик, физик, физик-кимёвий, биофармацевтик, фармакологик усуллардан фойдаланилганлиги, шунингдек, ишлаб чиқилган даволовчи косметик воситаларни саноат шароитида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий доривор ўсимлик хомашёсидан суюқ экстракт олишнинг мўътадил усули ишлаб чиқилганлиги, унинг асосида даволовчи косметик спрей ҳамда крем таркиби танланганлиги ва технологияси яратилганлиги, уларнинг сифатини таъминлайдиган мезонлар белгиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Herbal additive » МЧЖ билан ҳамкорликда «Диабдерм» даволовчи косметик крем ва спрей учун Техник шартлари ва уларни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқномалар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги билан изоҳланади, ҳамда яллиғланишга қарши воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яллиғланишга қарши мураккаб таркибли «Диабдерм» крем ва спрей технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Диабдерм» крем даволовчи косметик воситаси учун Техник шартлар (Ts 26532533-003:2022) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 26532533-003:2022) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада «Herbal additive» МЧЖда диабетик оёқ синдромини даволаш ва олдини олиш учун фойдаланиладиган воситани ишлаб чиқариш имконини берган;

«Диабдерм» спрей даволовчи косметик воситаси учун Техник шартлар (Ts 26532533-005:2023) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича Технологик йўриқнома (ТИ 26532533-005:2023) Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси томонидан тасдиқланган. Натижада «Herbal additive » МЧЖда спрей шаклидаги диабет асоратларини даволаш учун воситани ишлаб чиқариш имконини берган;

даволовчи косметик воситаси «Диабдерм» креми учун махсус яллиғланишга қарши фаоллиги ва безарарлиги бўйича фармакологик синовлар ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли терапевтик фаолликга эга даволовчи косметик воситасини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тақиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 19 илмий иш чоп этилган, булардан 6 та мақола ва 13 тезис. Жумладан, Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси республикада ва 3 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, адабиётлар шарҳи, учта бобда ўтказилган тажрибалар қисми, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил қилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Тери яллиғланиш касалликларга қарши сиртга қўлланиладиган воситалар технологиясининг ўзига ҳос томонлари»** деб номланган бўлиб, адабиётлар шарҳида тери яллиғланиши касалликларида сиртдан ишлатиладиган доривор ўсимликлар ва улар таркибидаги биологик фаол моддалар тавсифи; доривор ўсимлик хом ашёсидан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар; сиртга қўллаш учун мўлжалланган спрей шаклдаги дори воситалар тавсифи ва замонавий номенклатураси ва тери яллиғланиши касаллигида сиртга қўлланиладиган даволовчи косметик кремлар таркибига кирувчи ёрдамчи моддаларни танлашнинг ўзига ҳос томонлари ва сиртки препаратлар номенклатураси каби масалалар батафсил ёритилган. Ушбу бобда бизнинг ва хорижлик олимлар томонидан эълон қилинган тадқиқот натижалари таҳлили шифобахш ўсимликлар экстракти синтетик антисептик ва фунгистатик препаратлар комбинациясида юқори самарали оригинал препарат таркибини яратишга ёрдам берди.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларда қўлланилган материаллар ва текшириш усуллари. «Диабдерм» спрей эритмаси таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш** деб номланган иккинчи бобда тери яллиғланишига қарши «Диабдерм» йиғмаси таркибига кирувчи доривор ўсимлик хом ашёсининг тавсифи ҳамда йиғма таркибига кирувчи доривор

Ўсимликларни танлашнинг назарий асослари келтирилган. Жумладан, адабиётларда келтирилган тасниф бўйича қандли диабет касаллиги сабабли пайдо бўлган тери яллиғланиш касалликларини олдини олиш ва сиртдан даволашда ишлатиладиган доривор ўсимликлардан самарали фойдаланиш мақсадида «Диабдерм» йиғмаси таркибидаги ўсимликларнинг биологик фаол моддалар (БФМ) таркиби ва миқдорини ҳисобга олган ҳолда яллиғланишга қарши даволашда ва бактериал инфекцияга қарши қўлланиладиган ўсимликлар, оғриқ қолдирувчи ва спазмолитик таъсирга эга ўсимликлар, маҳаллий регенератив терапияда қўлланиладиган ўсимликлар, интоксикацияни йўқотишда қўлланиладиган, витамин ва макро- ва микроэлементлар сақловчи ўсимликлар ҳамда таркибида инулин сақловчи ва бошқа ўсимликлар.

Йиғма таркибини танлаш фармакотерапевтик (яллиғланишга қарши ва тўқималарни регенерацияси, к.ф.д., проф. Т.М. Махмудов, т.ф.д., проф. Х.У. Алиев ва б.ф.д, проф. А.А. Абидов, 2005) фаоллиги бўйича ранжировкалаш усулида амалга оширилди ва олинган натижаларга ишлов бериш учун эксперт баҳолаш усулида 1 дан 5 баллгача мойиллик индекслари танлаб олинди (А.Я. Кобзар ва О.М. Гриценко усули, 2002 й.), натижада қуйидаги таркиб танланди, г: доривор тирноқгул гуллари – 1,0, оддий бўймодарон ўти – 2,0, газанда барглари –1,0, балх тути барги – 5,0, оддий сачратқи илдизи – 1,0, сассиқ коврак илдизи –3,0.

Кейинги тажрибаларда экстракция жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар, шунингдек «Диабдерм» суюқ экстракти ва спрей эритмасини ишлаб чиқишда ва сифатини баҳолашда ишлатилган асбоб-ускуналар ва ёрдамчи моддалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Тери яллиғланиши касаллигини даволаш учун мўлжалланган «Диабдерм» йиғмаси таркибидан биофаол моддаларни тўлиқ ажралиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омиллар ўрганилди: хом ашёни майдалиқ даражаси, мм; экстрагент тури ва концентрацияси, %; хом ашё ва экстрагент нисбати; экстракциялашга сарфланган вақт, соат. «Диабдерм» йиғмасидан сувли-спиртли ажратма олиш учун йиғма ҳар хил катталиқда (1,0-5,0 мм) алоҳида майдаланди ва экстрагент сифатида турли концентрациядаги этил спирти (20%, 40%, 60%, 70% ва 90%) ва тозаланган иссиқ ($95 \pm 5^{\circ}\text{C}$) сув билан экстракция қилинди.

Маҳаллий ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган экстракцияга мўлжалланган ускуналарини ҳисобга олган ҳолда, «Диабдерм» суюқ экстракти перколяция, реперколяция ва уч босқичли касрли мацерация-циркуляция усулида олинди. Бунда ҳар учта усулда олинган спиртли-сувли ажратманинг сифат кўрсаткичлари қуруқ қолдиқ (мос равишда 3,61, 3,25 ва 3,03%) ва унинг таркибидаги биофаол моддалар – кверцетин ҳисобидан флавоноидлар йиғиндисини (мос равишда 2,30, 2,27 ва 2,24%) бўйича баҳоланди.

Тажрибалар натижасида перколяция ва реперколяция усулида олинган суюқ экстрактларнинг сон кўрсаткичлари уч босқичли касрли мацерация-циркуляция усулида олинган суюқ экстрактнинг кўрсаткичларига нисбатан бир-оз юқорилиги аниқланди. «Диабдерм» суюқ экстрактини олишга

оптимал шароит деб реперколяция усули танланди: ўсимлик хомашёсини оптимал майдалик даражаси - 3-4 мм, бирин-кетин қўлланилган экстрагентлар тури - 90% ва 70% этил спирти, ва ундан кегин 80-90⁰С ҳароратда сувли экстракция. Экстракция вақти: 90% этил спирти билан экстракция қилишда – 3 соат (спирт шимиш коэффициенти 3,2, хомашё ва экстрагент нисбати 1:0,5); 70% этил спирти билан экстракция қилишда – 2 соат, (спирт шимиш коэффициенти 2,0, хомашё ва экстрагент нисбати 1:0,5).

Ўсимлик хом ашёсининг оптимал майдалик даражаси 3-4 мм, экстракциялаш учун бир кетма кетликда 90% ва 70% этил спиртида экстракция қилинди, Биринчи перколятордан 80% миқдорда ажратма перколяция қилинади, сўнг хомашёда таъсир этувчи модда қолмагунча перколяция давом эттирилади.

Биринчи ва иккинчи босқичларда олинган спиртли ажратмалар бирлаштирилди, токи умумий ажратиб олинган маҳсулот дастлабки хом ашёга 1:1 нисбатни ташкил этгунича. Бирлаштирилган ажратмалар 8⁰С ҳароратда 3 суткага ёт моддалардан тозалаш учун қолдирилди, сўнг икки қаватли бўз матодан сузиб олинди. Тайёрланган «Диабдерм» суяқ экстрактининг сон кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилди (3-жадвал).

«Диабдерм» сиртки спрей эритмасининг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш учун тажрибани математик режалаштириш усули – 3x3 лотин квадратидан фойдаланилди, бу ерда ҳар бир ўрганилган омил такрорий кузатувларсиз уч ўзгариш даражасида ўрганилган. Лотин квадрат 3x3 - бу уч хил каноник шаклдан иборат квадрат жадвал бўлиб, бу ерда квадратларнинг умумий сони 3 га тенг (3-1) = 12.

Такрорланмайдиган уч омиллик тажрибалар учун математик модель қуйидаги тенгама билан ифодаланади:

$$Y_{ij} = \mu + A_i + B_j + C_k + E_{ijk} \quad (1)$$

Бу ерда μ - умумий эффект; A_i – А омилнинг эффекти; B_j – В омилнинг эффекти; C_k – С омилнинг эффекти; E_{ijk} - тасодифий хато.

«Диабдерм» спрей эритмасининг оптимал таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдаги жараёни бир қатор ўзгарувчан омилларни ҳисобга олишни талаб қилади, масалан: эритувчи тури (А омил), стабилизатор тури (В омил), сирт фаол моддаларнинг тури (С омил). Ушбу омилларнинг ҳар бири мураккаб таркибдаги препаратнинг технологик хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларига у ёки бу даражада таъсир қилади (1-жадвал).

Ушбу омилларнинг аҳамиятини текшириш учун режалаштириш матричасида назарда тутилган шароитларда экспериментал режага мувофиқ 9 та тажриба ўтказилди.

Оптималлаштириш мезонлари сифатида қуйидаги омиллар танланди: эритманинг рН кўрсаткичи, Y_1 ; борат кислотасининг миқдори, (г), Y_2 ; эритмани спрей жиҳозидан эвакуация қилиниши (%), Y_3 .

«Диабдерм» спрей эритмаси сифатига таъсир қилувчи ўзгарувчан омилларнинг хусусиятлари

Даражалар	Омиллар тури		
	А-эритувчи	В-стабилизатор	С-сирт фаол модда
1	Тозаланган сув	Бензой кислотаси	Олеин кислотаси 1%
2	Глицерин	Сорбин кислотаси	Эмульгатор ВТМС 3%
3	Димексид	Калий сорбат ва натрий бензоат (1:2)	Сирт фаол моддал кўшилмаган таркиб

«Диабдерм» спрей эритмасининг таркиби ва технологиясини оптималлаштириш бўйича режалаштириш матрицаси ва тадқиқотлар натижалари 2-жадвалда келтирилган, бунда учта омил ҳам учта даражада фарқ қилади.

Дисперсиянинг бир хиллиги Фишер мезони бўйича баҳоланди, олинган дисперсия қийматларини Фишер мезонининг жадвал қиймати билан солиштирганда, «Диабдерм» спрей эритмасининг рН қийматига А, В ва С омиллар натижалари жадвалда келтирилган натижаларга кўра катта эканлиги ($F_{\text{тажр.}} > F_{\text{жадв.}}$) ва бош омилларни мақсадга мувофиқлигини текширишга имкони йўқлигини кўрсатди; эритмадаги борат кислотасининг микдорига (г) - А омилнинг таъсири борлиги, В ва С омилларда баҳоловчи таъсир эса жадвалдаги натижадан кичик эканлиги ($F_{\text{тажр.}} < F_{\text{жадв.}}$) бир чизиқли модел таҳлил учун яроқли бўлиб, бош омилларни мақсадга мувофиқлигини текширишга имкон борлигини кўрсатди; эритмани спрей жиҳозидан эвакуация қилинишига (%) А, В ва С омиллар натижалари жадвалда келтирилган натижаларга кўра кўп таъсир қилиши аниқланди ($F_{\text{тажр.}} > F_{\text{жадв.}}$). Олинган натижалар спрей эритмасини олиш жараёнини мўътадиллаштириш мақсадида афзаллик турнир жадвали тузилди ва лидер (L) натижали тажрибалар танланди.

«Диабдерм» спрей эритмаси бўйича тажрибаларни режалаштириш матрицаси ва тадқиқот натижалари

Тажриба рақами	Омиллар			Оптималлаштириш мезонлари			L
	А	В	С	Эритманинг рН, Y_1	Борат кислотасининг микдори (г), Y_2	Эритмани жиҳозидан эвакуация қилиниши (%), Y_3	
1	a ₁	b ₁	c ₁	4,0	1,0003	97,3	6
2	a ₁	b ₂	c ₂	4,6	0,9809	95,4	6
3	a ₁	b ₃	c ₃	4,3	1,0000	98,5	9
4	a ₂	b ₁	c ₂	4,0	0,8900	73,8	2
5	a ₂	b ₂	c ₁	4,2	0,9899	76,7	3
6	a ₂	b ₃	c ₃	4,0	0,9899	92,6	4
7	a ₃	b ₁	c ₃	4,4	1,0001	90,4	3
8	a ₃	b ₂	c ₂	4,3	1,0002	90,2	4
9	a ₃	b ₃	c ₁	4,1	0,9888	75,6	5

Бунда афзал натижалар – «3», яхши ва қониқарли натижалар мос равишда «2» ва «1», салбий натижалар эса – «0» билан баҳоланди. Ҳар бир омил даражаси учун афзалликлар ҳисобланиб, «Лидер» лар (L) аниқланди: $a_1 > a_3 > a_2$, $b_3 > b_2 > b_1$, $c_3 > c_1 > c_2$. Бунда энг мўътадил деб топилган экстракциялаш жараёнига таъсир этувчи барча омилларнинг даражалари ўрганилди ва энг катта очко тўплаган «Лидер» (L) аниқланди (2-жадвал). Бунда жадвалнинг лидер (2-жадвал, L) натижаларини ҳисобга олиб, энг мақсадга мувофиқ натижалар – 3-рақамли тажрибалар деб топилди.

Олиб борилган изланишларда модел эритмаларнинг рН кўрсаткичи танланган таркибга қараб оптимал рН ни таъминлаши аниқланди ва улар меъёрий хужжатлар талабига мос келди (рН 4,0-8,0), эритмалардаги борат кислотасининг миқдори бевосита эритувчи турига боғлиқлиги аниқланди.

Эритмани спрей жиҳозидан эвакуация қилинишига (%) эритувчи тури таъсир кўрсатди, бунда энг мақсадга мувофиқ эритувчи тозаланган сув эканлиги аниқланди, шунингдек стабилизатор тури деярли таъсири кам эканлиги кўрилди. Эритма таркибида сирт фаол моддаларни сақламаган эритмаларни меъёрий хужжатлар талабига мос келган ҳолда (95% кам эмас) эвакуация қилиниши осон ва тўлиқ кечиши исботланди. Олиб борилган тажрибалар асосида қуйидаги (№3) таркибли эритма танлаб олинди.


«Диабдерм» сиртки эритма спрей таркиби:

«Диабдерм» суюқ экстракти	10,0
Борат кислотаси	1,0
Карбамид	10,0
Ментол	0,1
Этил спирти 96%	0,2
Лимон кислотаси	0,1
Натрий бензоат	0,2
Калий сорбат	0,1
Тозаланган сув	78,3
Умумий массаси	100,0

«Диабдерм» спрей эритмаси асептик шароитда олдиндан стерилланган дори, ёрдамчи моддалар ва жиҳозлаш идишларида тайёрланади (1-расм): компонентларни тарозида тортилади, хомашё майдаланади ва элакдан ўтказилади. Хомашё вибраторли элакдан майдалиги 200 мкм катталиқда эланади. Виброэлакдан ўтмай қолган хомашё қайта майдаланиб, сўнг яна эланади. Сўнг «Диабдерм» спрей таркибига кирувчи ингредиентларни эрувчанлиги ва эритмадаги массасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тартибда эритма тайёрланди: берилган тозаланган сувнинг ярми қиздирилади (70 ± 2 °С), сўнг унда борат кислота эритилади. Эритма совиганидан сўнг филтрланади. Тозаланган сувнинг қолган қисмида сорбат калий (20 °С ҳароратда, 13,8 г 100 мл сувда), лимон кислотаси (20 °С ҳароратда, 59,4 г 100 мл сувда), натрий бензоат (20 °С ҳароратда, 62,8 г 100 мл сувда), карбомид (20 °С ҳароратда, 51,8 г 100 мл сувда) эригунича аралаштирилади, сўнг филтрланади. «Диабдерм» эритмаси таркибида берилган 0,1 г ментол 0,2 мл

96% этил спиртида эритилади ва филтрланади. Ҳосил бўлган сувли эритмалар бирлаштирилиб, сўнг устига «Диабдерм» суюқ экстракти ва ментолни спиртдаги эритмаси қўшилади ва аралаштирилади.

Тайёрланган «Диабдерм» спрей эритмасининг сифат кўрсаткичлари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилди ва олинган натижалар асосида тегишли меъёрий хужжатлар тузилди (3-жадвал).



1-расм. «Диабдерм» сиртки спрейнинг технологик жараён тасвири

Диссертациянинг учинчи боби «Диабдерм» даволовчи косметик крем технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Бунда «Диабдерм» кремни олиш учун фойдаланган дори воситалари ва ёрдамчи моддаларнинг таърифи келтирилган.

«Диабдерм» даволовчи косметик крем технологиясини ишлаб чиқишда илмий асосланган таркиб ва оптимал технологияни танлаш ҳамда тажрибалар сонини камайтириш мақсадида статистик усуллардан 4x4 лотин квадратининг уч омиллик каср режасидан фойдаланилди. Бунда кремни сифат кўрсаткичига таъсир этувчи қуйидаги ўзгарувчан омиллар танлаб олинди: А омил - асослар тури; В омил – технологик жараён тури; С омил – биосамарадорлиги. Ҳар бир мўътадиллаштирувчи омиллар тўртта ўзгарувчан даражада ўрганилди: Y_1 – ташқи кўриниши, Y_2 – бир хиллиги (с), Y_3 – қовишқоқлиги, %, Y_4 – барқарорлиги, %.

3-жадвал

«Диабдерм» суюқ экстракти ва спрейни сифат кўрсаткичларини аниқлаш натижалари

Ўрганилган кўрсаткич	Тавсифи	
	Суюқ экстракт	Спрей эритмаси
Ташқи кўриниши	«Диабдерм» йиғмаси таркибига кирувчи доривор ўсимликлар хидига хос, тиниқ, тўқ яшил-жигарранг сувли-спиртли ажратма	Таркибга кирувчи ингредиентларга хос хидга эга, қўшимча моддаларни сақламайдиган, тиниқ, оч-саригиш жигарранг бир фазали эритма
Этил спиртнинг концентрацияси, %	67,72 ±0,97	7,0±1,97
Оғир металллар миқдори, 0,01% дан кўп эмас	Қониқарли	Қониқарли
Қурук қолдиқ миқдори, 5% кам эмас	5,158±1,07	-
Бир кадоқ идиш ичидаги суюқликнинг массаси, г	91,32±2,4	96,76±1,8
Флавоноидлар миқдори (рутин ҳисобига), %	1,05±0,18	0,17±0,32
Флавоноидлар миқдори (кверцетин ҳисобига), %	1,92±0,02	1,35±0,19
Полисахаридлар миқдори, %	4,67±0,44	1,76±0,25
Карбамид, азот бўйича, %	-	48,01±0,103

4-жадвалда келтирилган омилларни таъсир этиш даражасини текшириш учун, матрица режаси белгилаган шароитда 16 та тажриба ўтказилди.

«Диабдерм» кремнинг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи ўзгарувчан омиллар тавсифи

Даража	Омиллар		
	Асос тури (А)	Технологик жараён тури (В)	Биосамарадорлиги, % (С)
1	Гидрофил асос	1	37
2	Вазелин/ланолин (6:3)	2	49
3	Эмульсион асос	3	56
4	Адсорбцион асос	4	45

Тажрибаларни режалаштириш матрицаси ва «Диабдерм» кремнинг сифат кўрсаткичларини мўтадиллаштириш бўйича олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган.

Тажрибаларни режалаштириш матрицаси ва «Диабдерм» модел кремнинг сифат кўрсаткичлари

Тажрибалар сони	Омиллар			$Y_1, 10^{-3}$ кг/с	$Y_2, с$	$Y_3, \%$	$Y_4, \%$	D
	A	B	C					
1	a ₁	b ₁	c ₁	7,8	912	1,10	3,42	0
2	a ₂	b ₁	c ₂	4,5	804	3,10	7,68	0
3	a ₃	b ₁	c ₃	6,2	192	1,70	5,58	0,678
4	a ₄	b ₁	c ₄	5,3	378	0,09	1,70	0,787
5	a ₁	b ₂	c ₄	7,2	930	0,50	3,64	0
6	a ₂	b ₂	c ₃	4,6	654	3,20	7,43	0
7	a ₃	b ₂	c ₁	6,3	210	1,90	5,34	0,586
8	a ₄	b	c ₂	5,5	366	0,05	1,32	0,827
9	a ₁	b ₃	c ₂	6,9	888	0,80	4,23	0,162
10	a ₂	b ₃	c ₁	4,3	720	3,60	7,87	0
11	a ₃	b ₃	c ₄	5,9	180	1,50	5,63	0,707
12	a ₄	b ₃	c ₃	5,0	360	0,10	2,10	0,783
13	a ₁	b ₄	c ₃	7,3	1032	0,90	3,18	0
14	a ₂	b ₄	c ₄	4,1	780	2,80	6,87	0,117
15	a ₃	b ₄	c ₂	6,2	198	2,01	4,92	0,560
16	a ₄	b ₄	c ₁	5,1	390	0,08	1,30	0,790

Кремларни сифатига таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти дисперсион таҳлил орқали баҳоланди, бунда таҳлил натижаларини жадвалда келтирилган Фишер мезони билан солиштиришда куйидагилар аниқланди: асос тури ва биосамарадорлиги (А ва С омиллар) сезиларли таъсир кўрсатиши ($F_{\text{тажриба}} > F_{\text{жадвал}}$), технологик жараён тури эса (В омил) деярли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. А ва В омилларнинг кремларнинг сифат кўрсаткичларига таъсири кучли бўлганлиги сабабли бир чизиқли модель хосил бўлмади. Шунинг учун кучли таъсир этувчи омиллар учун кўп мартали такрорий солиштиришлар ўтказилди. Бунда А омил учун мойиллик даражаси куйидагича тақсимланди: $a_4 > a_3 > a_1 > a_2$; В омил учун: $b_1 > b_2 > b_3 > b_4$; С омил учун: $c_1 > c_2 > c_3 > c_4$.

Кремларнинг сифат кўрсаткичларини мўътадиллаштириш учун умумлаштирилган мойиллик функциясини қўллаш қулай. Мойиллик функцияси алоҳида хоссаларни ўртача геометрик қиймати бўлиб, қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланади:

$$D = \sqrt[4]{d_1 d_2 d_3 d_4} \quad (2)$$

бу ерда D - умумийлаштирилган мойиллик функциясининг кўрсаткичи; d_1 - кремнинг ташқи кўриниши (Y_1); d_2 – бир хиллиги (Y_2); d_3 - ковишқоқлиги (Y_3); d_4 - биосамарадорлиги (Y_4 , %).



Мойиллик шкаласини тузиш учун 0 дан 1 гача оралиғдаги мойиллик қийматларига эга бўлган миқдорий баҳолаш усулидан фойдаланилди (2-расм). Бунда $D=1$ энг ижобий хоссаларни намоён этувчи кўрсаткичлар қийматига тўғри келади, $D=0$ эса энг салбий сифат кўрсаткичларига. Маҳсулот сифатини баҳоловчи оралик мойиллик даражаларини қийматлари: жуда ёмон (0,00-0,20), ёмон (0,20-0,37), қониқарли (0,37-0,63), яхши (0,63-0,80) ва жуда яхши (0,80-1,00).

2-расм. Оптималлаштириш параметрларининг умумлаштирилган мойиллик функцияси.


Умумийлаштирилган мойиллик функция кўрсаткичларининг натижалари (D) 5-жадвалда келтирилган. Олиб борилган тажрибалар натижасида «Диабдем» кремнинг таркиби ва мўътадил технологик жараён танлаб олинди.

«Диабдерм» сурмасининг таркиби:

«Диабдерм» суяқ экстракти	5,0
Борат кислотаси	1,0
Карбамид	10,0
Ментол	0,1
Эмульсион консистент асос:	
Вазелин	50,0
Эмульгатор Т-2	8,4
Тозаланган сув	25,5
Умумий массаси	100,0

Технологияси (3-расм): вазелин ва Т-2 эмульгатори чинни косачада сув ҳаммомида бирга эритилади (50 ± 5 °C), устига секин оз-оздан дастлаб қайноқ сувда эритилган ва сузиб олинган борат кислотасининг эритмаси қўшилади ($90-95$ °C), қоришма 30 °C ҳароратгача совигунича аралаштирилади. Ҳосил

бўлган оқ-сарғиш рангли юмшоқ консистенцияга эга крем 12-24 соатга ҳовонча устига пергамент қоғози ўралган ҳолда салқин жойда қолдирилади. Ҳовончада ментол, карбамид ва «Диабдерм» суюқ экстракт билан бирга майдаланади, сўнг устига оз-оздан дастлаб тайёрланган эмульсион консистент асоси кўшиб аралаштирилади. Сўнг крем 2-3 соат мобайнида МИ-2 аралаштиргич ёрдамида бир хил масса бўлгунича гомогенлаштирилади ва кремнинг сифат кўрсаткичлари баҳоланди (6-жадвал).



3-расм. "Диабдерм" сурма (крем)ни тайёрлашнинг технологик жараён тасвири


6-жадвал

Тайёрланган эмульсион-консистент асосидаги «Диабдерм» кремнинг сифатини баҳолаш натижалари

Аниқланган кўрсаткичлар	Меъёрий-ҳужжатлар бўйича меъёрлари	Олинган натижалар
Ташқи кўриниши	Оч-яшил рангли, ўзига хос ҳидли, юмшоқ консистенцияга эга	Мос келди
Бир хиллиги	Бир хил	Мос келди
Турғунлиги: центрифуга (1500 айл/дақ.) Термостат (40±2 °С)	Икки фазага ажралмас-лиги ва чўкмага тушмаслиги керак	Мос келди Мос келди
Сувли ажратма (1:10) рНи	6,5-7,5	6,5-6,8
Қиздирилганда масса йўқотиш, %	14	4,38
Полисахарилар миқдори, %	0,80 дан кам эмас	0,90±0,20
Карбамид, азот миқдори, %	46,3 дан кам эмас	49,3±0,053

«Диабдерм» кремни биосамарадорлиги ва сақлаш шароити ва муддатини ўрганиш деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобда «Диабдерм» кремни биосамарадорлигини *in vitro* тенг мувозанатли диализ (Л. Кривчинский, Польша) усулида ўрганилди.

Бунда турли (гидрофил, липофил, эмульсион консистент ва адсорбцион) асосларда тайёрланган 1% борат кислотасини эритувчи муҳит - тозаланган сувга ажралиб чиқиш кинетикаси ўрганилди.



4-расм. Борат кислотасини турли асосдаги кремлардан ажралиб чиқиш кинетикасининг чизмаси

Тажрибалар учун 4 хил асосда тайёрланган «Диабдерм» крем намуналаридан фойдаланилди: таркибида бентонит, глицерин ва тозаланган сув сақлаган гидрофил крем асоси (I-таркиб); таркибида вазелин ва сувсиз ланолин (6: 3) сақлаган гидрофоб крем асоси (II-таркиб); таркибида вазелин, Т-2 эмульгатор ва тозаланган сув сақлаган эмульсион консистент крем асоси (III-таркиб); таркибида парафин, кунгабоқар мойи ва эмульгатор Т2 сақлаган адсорбцион крем асоси (IV-таркиб). Диализ муҳитига белгиланган вақт (ҳар 30 дақиқада) мобайнида ажралиб чиққан борат кислотасининг миқдори нейтраллаш реакцияси бўйича аниқланди (индикатор - фенолфталеин). «Диабдерм» модел кремлардан борат кислотасини ажралиб чиқиш кинетикаси 4 расмда келтирилган. Олинган натижалар кўрсатишича, эмульсион-консистент асосли крем намунасининг бошқа асосларга нисбатан биосамарадорлиги юқори эканлиги *in vitro* тажрибаларда исботланди.

«Диабдерм» даволовчи косметик кремнинг яллиғланишга қарши таъсири «New innovation pharm group» МЧЖ базасида *in vivo* усулда – лаборатория каламушларида 0,1 мл 2% формалин эритмаси билан жароҳатланган панжа шишини қайтариш бўйича ўрганилди. «Диабдерм» креми ҳайвонлардаги яра устига 25 мг/кг ҳисобидан суртилганида 3 соатда панжа шишини 42% гача камайтириши назорат тажрибагана нисбатан кузатилди, бу эса даволовчи косметик крем ишончли равишда яллиғланишга қарши фаолликка эгаллигини кўрсатди. «Диабдерм» кремнинг ўткир заҳарлилигини ўрганиш натижаси уни кам заҳарли восита эканлигини аниқланди.

Турли материаллардан тайёрланган идишга қадокланган «Диабдерм» суюқ экстракти, спрей эритма ва крем табиий шароитда 2 йил мобайнида сақланганида сифат кўрсаткичлари ижобий натижани кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Таркибида доривор тирноқгул гуллари, оддий бўймодарон ўти, газанда ва балх тути барглари, оддий сачратқи ва сассиқ коврак илдизларини сақловчи «Диабдерм» йиғмаси таклиф этилди ва унинг сон кўрсаткичлари белгиланди.

2. «Диабдерм» суюқ экстрактини олиш технологияси таклиф қилинди ва куйидаги сифат меъёрлари белгиланди: ташқи кўриниши (йиғма таркибига кирувчи доривор ўсимликлар ҳидига хос, тиниқ, тўқ яшил-жигарранг сувли-спиртли ажратма), этил спиртининг концентрацияси ($67,72 \pm 0,97\%$), оғир металллар миқдори ($0,01\%$ дан кўп эмас), қуруқ қолдиқ миқдори ($5,158 \pm 1,07\%$), бир қадоқ идиш ичидаги суюқликнинг массаси ($91,32 \pm 2,4$ г), флавоноидлар миқдори (кверцетин ҳисобига $1,92 \pm 0,02\%$), полисахаридлар миқдори ($4,67 \pm 0,44\%$).

3. 3x3 лотин квадрати усулидан фойдаланган ҳолда «Диабдерм» спрей таркиби ва технологияси ишлаб чиқилди, бунда эритувчи сифатида тозаланган сув, стабилизатор сифатида – калий сорбат ва натрий бензоат (1:2) аралашмасидан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган спрей барча сифат ва миқдор кўрсаткичлари бўйича меъерий ҳужжатлар талабига мослиги исботланди.

4. Математик моделлаштиришнинг 4x4 лотин квадрати уч омиллик каср режасидан фойдаланиб, «Диабдерм» даволовчи косметик кремни эмульсион-консистентли асосда тайёрлаш таклиф этилди. Ушбу таркиб бўйича тайёрланган кремнинг физик-кимёвий ва реологик хоссалари аниқланди, шунингдек, ташқи кўриниши, рН кўрсаткичи, қиздирилганда йўқотилган массаси, дори моддаларнинг дисперслиги, коллоид ва термик турғунлиги каби кўрсаткичлари бўйича МҲ талабларига мос келиши белгиланди.

5. «Диабдерм» кремнинг биосамарадорлиги *in vitro* - тенг мувозанатли диализ (Л. Крувчинский) усулида аниқланди ва 3 соат давомида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра айнан эмульсион консистент асосда тайёрланган кремдан борат кислотасининг ажралиб чиқиши энг юқори натижани кўрсатиши исботланди.

6. «Диабдерм» суюқ экстракти, унинг асосидаги спрей ва кремнинг яроқлилик муддати турли қадоқларда табиий шароитда ўрганилди ва 2 йил деб белгиланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХУСЕНОВА ШАХНОЗА ШУХРАТОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНОГО
КРЕМА И СПРЕЯ «ДИАБДЕРМ» СЛОЖНОГО СОСТАВА**

15.00.01 – технология лекарств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2023.1.PhD/Far.63

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-общественном портале «Ziyounet» по адресу: www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:	Файзуллаева Нодира Султановна кандидат фармацевтических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Олимов Нemat Каюмович доктор фармацевтических наук, профессор Абдурахманов Бахтияр Алимович доктор философии технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «1» ноября 2023 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc. 04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел. (+99871) 256-37-38; факс (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 47). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел. (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «16» 10 2023 года.
(Реестр протокола рассылки № 47 от «16» 10 2023 года).



Урманова

К.С.Ризаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н.

Ё.С. Кариева

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

Ф.Ф. Урманова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Международной диабетической федерации (IDF), к началу 2023 года у 537 миллионов человек в возрасте от 20 до 79 лет был диагностирован сахарный диабет, по прогнозам к концу года ожидается рост численности больных в среднем на 15%. Сахарный диабет приводит к таким осложнениям, как невропатия, нефропатия и ретинопатия, Синдром диабетической стопы выражается в виде поражения нервов и сосудов стопы. Поэтому важно разработать лекарственные препараты и лечебно-профилактические парафармацевтические средства, применяемые при лечении и профилактики осложнений сахарного диабета, с разработкой качественных и количественных показателей и определением их специфической активности.

В настоящее время во всём мире проводятся научные исследования по разработке и обеспечению населения различными моноактивными и комбинированными лечебно-профилактическими средствами, предназначенными для профилактики и лечения синдрома диабетической стопы, создаваемые на основе передовых технологий, в удобных для приёма больных формах, с доказанной эффективностью и безопасностью. В связи с этим особое внимание уделяется научным исследованиям, таким как выбор конкретного состава комплексных композиций с широким спектром лечебно-профилактического действия, с определением стандартов качества разрабатываемого препарата и выбора типа упаковки для обеспечения необходимого срока годности.

В нашей республике достигнуты определенные научные результаты по налаживанию производства лечебно-профилактических парафармацевтических средств, содержащих лекарственные растения и предназначенные для наружного применения, что способствует расширению ассортимента качественных и экономически выгодных лекарственных средств и препаратов лечебной косметики. Второе приложение стратегии развития нового Узбекистана, пункт 85, определяет такие неотложные задачи, как «увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов.»¹. В связи с этим является важным проведение научных исследований по созданию малотоксичных противовоспалительных лечебных косметических средств сложного состава, содержащих как синтетическое, так и натуральное сырье, обеспечивающих их специфическую эффективность и стабильность, и внедрение их в местные производственные предприятия.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 21 января 2022 года №ПФ-55 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах»

Республики Узбекистан от 21 января 2022 года № УП-55 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли Республики в 2022-2026 годах», а также Указе Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 от 10.04.2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4668, 10 апреля 2020 года «О дополнительных мерах по развитию народной медицины в республике Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-4901, 26 ноября 2020 г «О мерах по расширению масштаба научных исследований о выращивании и переработке лекарственных растений, развитии налаживания их семеноводства» и данное диссертационное исследование служит в определенной мере реализации задач, определенных в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное научное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Особое место занимают исследования ряда ученых нашей республики А.О. Охунова, Ф.М. Абдурахманова, Т.Т. Камалова, З.Н. Эргашевой, З.А. Нурузовой, М.В. Залялиевой, Т.П. Пулатовой, Т.М. Махмудова, Х.У.Алиева, З.У.Усмановой, А.А. Абидова, А.А. Джураевой, Г.Ю. Маликовой, Х.М. Комилова, М.Х. Санавовой и др., посвященные перспективам использования и изучению механизма действия лекарственных растений в профилактике и местном лечении воспалительных заболеваний кожи и синдрома диабетической стопы, являющихся осложнениями сахарного диабета.

На мировом уровне исследования по методам лечения этого заболевания, разработке противодиабетических средств и определению их активности проводили следующие учёные: K.Bakker, J.Apelqvist, B.A.Lipsky, J.J.Van Netten, N.C.Schaper, K.Van Acker, M.Peyrot, Stephan Morbach, Joachim Kersken., Ralf Lobmann, K.Chen, H.Chen, M.M.Mol, A.H.Хлебникова, Н.В.Марычева, О.Л. Сайбель, Т.Д. Даргаеа, З.Д.Хаджиева, З.Б. Тигиева, Н.С. Алейникова, Л.Б. Губанова, И.С.Крахмалев, В.Н. Храмин, А.Ю. Токмакова, Д.Н. Егорова, Л.П. Доронина, Г.А. Соколова, В.Г. Корнишева, С.Г. Белова, А.А. Чабан, Э.Ф. Степанова, В.В. Верниковский, А.В. Морозов и др.

